



ТОШКЕНТ ОҚИШО'МИ

XVI сарфоси
Барча маъналардан олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган № 76 (9.726) 2002 йил 1 июль, душанба Сотувда эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

14 та замонавий русумдаги автомашиналар топширилди.

- **«АЛГОРИТМ»** акциядорлик жамиятида ўтказилган меҳнат яримакеси Чилонзор туман ҳокимлиги ва туман меҳнат биржаси ташаббускорликларидан уюштирилди.
- **ТОШКЕНТ** тўқимачилик ва енгил саноат институтига Япониядан келтирилган 40 миллион АҚШ доллари икдоридидаги ўқув жиҳозлари, замонавий русумдаги технологиялар совға қилинди. **ШУНИНГДЕК**, мазкур институтда тўқимачилик саноати сифатини белгилайдиган сертификация маркази иш бошлади.



Курувчилар меҳнати хамиша эл наздада эъзозланади. Чунки улар курган уйлар шаҳримиз куригига-кўрк бағишлайди.

СУРАТДА: «KARDO» куриш фирмасининг ёш ва шикоятли курувчиларидан (чапдан) Икром Абдухолиқов ҳамда Пётр Медведевлар.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисидаги Қонун қабул қилинганига 10 йил тўлди

ДАВЛАТИМИЗ РАМЗЛАРИ — МУҚАДДАС

Ўзбекистон Республикаси давлат Мустақиллигининг рамзларидан бири — Давлат герби қабул қилинганига 10 йил тўлапти. 1992 йилнинг 2 июль кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўнинчи сессиясида «Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида»ги Қонун қабул қилинган эди.

Эртага пойтахтдаги Мирзо Улуғбек боғида шу муносабат билан «Давлатимиз рамзлари — муқаддас» мавзuida халқ сайли ўтказилади. Мазкур тадбир ташкилотчилари — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси, Республика «Маънавият ва маърифат» маркази ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги бу билан фуқароларимиз эътиборини миллий тимсолларни эъзозлашга қаратишни мақсад қилиб қўйишган.

Юртбошимиз: «Миллий тимсоллар ва рамзларнинг ҳар бири миллий ғуруримизни юксалтиришга хизмат қилади. Уларнинг ҳар бири катта бир дарслик, кучли тарбия воситасидир», деб таъкидлаган эди. Дарҳақиқат, давлатчилигимиз тарихининг қайси бир даврини олиб қарамалик, давлат рамзлари Ватан тимсоллари сифатида хамиша азиз ва муқаддас саналган. Уларда халқнинг тарихи, бугуни ва келажаги ўз ифодасини топган. Аслида рамзлар ва тимсоллар ҳамма вақт ҳам миллий ғурур, фидойилик ва ватанпарварликни шакллантиришда энг муҳим воситалар хисобланиб келган. Мустақилликни қўлга киритиб ўз Байроғимиз, Гербимиз ва Маънавиятга эга бўлишимиз чин маънода озод ва хур бўлганимиз белгисидир. Бугун Ўзбекистон фуқаросиман деган ҳар бир инсон бебаҳо ихтимой-сиёсий кадрларимиз бўлган давлат рамзларини билиши, ҳурмат қилиши шарт.

Халқ сайлида эл севган ёзувчи ва шоирлар, таниқли санъаткорлар ҳамда ҳармоат арбоблари иштирок этади, Улар давлат рамзлари ҳақида ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашиб, миллий тимсолларимизнинг ўзгилмаслигини аниқлашда, ватанпарварлик туйғусини шакллантиришдаги ўрни ва роли тўғрисида сўзлаб берадилар.

Шу кун соат 11.00 да мамлакат Парламенти биносида юқоридаги тадбир ташкилотчилари томонидан «Ватанпарварлик туйғусини шакллантиришда давлат рамзларидан фойдаланишнинг ўрни ва роли» мавзuida илмий-амалий конференция ҳамда «Давлат рамзлари» китобининг тақдимот маросими ҳам ўтказилади.

Дилафрўз ҚОСИМОВА

ЎЗАРО ФЙДАЛИ УЧРАШУВ

CO.LTD компанияси маҳсулотлари тадбиркорларимизда катта қизиқиш уйғотди. Ушбу усқуналар монолит темир-бетондан саноат ва ижтимоий объектларни тез ҳамда сифатли куришда ниҳоятда асосатди.

DONGYANG SAFE компанияси эса ташкилотлар, банклар ва шахсий фойдаланиш учун 60 га яқин турли сейфларни тақлиф этди. Ушбу компания сейфлари қўлфларининг ўзига хослиги, мустаҳкамлиги, ўтга чидамлилиги, замонавий дизайни ва ранг-баранглиги билан ажралиб туради ҳамда уларнинг нархлари анча арзон.

Корея Республикасининг 1962 йилда ташкил этилган

ЎЗАРО ФЙДАЛИ УЧРАШУВ

Корея Республикасида ишбилармонлик ташрифлари ўз самарасини бераётир. Бу кичик ва ўрта бизнес соҳасини ривожлантириш, товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш бўйича жаҳон тажрибасини пухта ўрганиш билан боғлиқ. Масалан, ўтган йилги тадбиркорларимиз Сеулга Корея саноат усқуналари кўрғазмаси, ундан аввалроқ эса Пусанда ўтказилган автомобил саноати кўрғазмасига борган эди.

Жорий йилнинг май ойида эса улар истеъмол молларини кўрғазмасини бориб кўрди. Ушбу кўрғазмада навоий шикли халқ истеъмол молларини ишлаб чиқарувчи усқуналар тадбиркорларимизда катта қизиқиш уйғотди.

(ЎЗА).

ҚИЗИҚАРЛИ МУСОБАҚА



Халқаро олимпия қўмитаси 202 мамлакатни ўзига бirlаштириш, улар билан ҳамкорликда ҳар йили энг оммавий ва қизиқарли мусобақалардан бири — Халқаро олимпия югуриши кунини мунтазам равишда ўтказиб келади. Уни ташкил этишдан мақсад эса соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, келажак авлодни жисмоний тарбия ва спортга муҳаббат руҳида тарбиялашдир. Зеро, «Харакат — жон озиғи» деган қиёмат бор. Югуриш кишига дадиллик, қувват бахш этади. Олимпия югуриши спорт байрами 197 мамлакат миллий олимпия қўмиталари томонидан ташкил этилиб, олти ёшдан саксон ёшгача бўлган кишиларни жалб этади.

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси 1992 йили ташкил этилган бўлиб, ўшандан буён 10 йил давомида бош хрмий — «Coca Cola» компанияси ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда Олимпия югуришлари ўтказиб келмоқда. Қувонарли томони шундаки, йилдан йилга ушбу тадбир оммалашиб бормоқда, тобора кўпроқ кишилар унда қатнашиш истагини билдирмоқда. Босқичма-босқич — ўқув муассасалари, туманлар, вилоятларда ўтказилган югуриш мусобақаларининг финали шахримизда — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи атрофида ўтказилади.

Бразилия — жаҳон чемпиони!

Бир ой давомида кўрраи замин футбол ишқибозларининг нигоҳи Япония ва Жанубий Кореяда бўлди. Янги ёрнинг илк жаҳон чемпионати мухлисларга ола! — ллам завқ-шавқ, бетакор учрашувлар, футбол юлдузларининг ажойиб ўйинларини тўғфа этди.

Ўтган икки кун давомида чемпионатнинг ҳал қилувчи беллашувлари бўлиб ўтди. Чунончи, шанба кун жаҳон чемпионатининг кашфиётлари хисобланмиш икки жамоа — Туркия ва Жанубий Корея термалари ўртасида учинчи ўрин учун учрашув ўтказилди. Кўпчилик Бразилия терма жамоаси билан икки бор даярли тенг ўйнаган туркларни кучлироқ деб хисобласа, ўйда «деворлар ҳам ёрдам беради», деганларидек корейликлар ҳам чакки эмасди.

Ҳар ҳолда ишқибозларни лолу хайрон қолдирган ҳолда Туркия терма жамоаси сардори Хоқон Шукр дастлабки сониялардаёқ ҳисобни очди. Орадан кўп ўтмай Ли Юн Ен жарима тўпини маромига етказиб ижро этган ҳолда ҳисобни тенглаштирди. Ана шу лаҳзаларда иккита сариқ карточка олган моҳир ҳужумчи Хасан Шошнинг ўрнига майдонга тушган ёш, умидли чарм тўп устаси Илхан Мансиз ўзини кўрсатди. У 13 ва 32-дақиқаларда икки бор рақиблар дарвозасини ишғол қилган ҳолда Туркия термасини 3:1 хисобига олдинга ўтиб олшини ташминлади.

Иккинчи бўлим даярли тўлик равишда корейликларнинг ҳужуми билан ўтган бўлса-да жаҳон чемпионатининг энг кучли дарвозабонларидан бири Рушту Раҷбер бехато ўйнади. Фақат ҳакам томонидан қўшиб берилган вақтдагина майдон эгалари битта тўп киритишга муваффақ бўлдилар — 3:2. Шу тарика Туркия футболчилари ҳақли равишда учинчи ўринни эгалладилар.

ишқибозлар билан лик тўла Япониянинг Иокагама шаҳридаги стадионда Бразилия ва Германия терма жамоалари ўртасида финал учрашуви бўлиб ўтди.

Ушбу бахс янги асрда бразилияликлар ижросидаги чиройли ва ҳужумкор футбол тантана қиладики ёхуд германияликларнинг қатъий ва баратрлик, қарши ҳужумларга асосланган усули голиб қиладими? деган саволларга жавоб қайтариши лозим эди. Немислар ўзларининг «темир» дарвозабонлари Оливер Канга жуда ишониб, унга тўп киритиб бўлмайди, демак галабага биз эришамиз, деган фикрларни ҳам илгари сургандилар.

Ўйнаган Бразилия ўз жанговар таркибида тушган бўлса, германияликлар сафларида энг етакчи ўйинчи Михаэл Баллак бўлса, Германиянинг Биринчи таймда асосан бразилияликлар ҳужум уюштирган бўлса-да Оливер Кан бирорта ҳам хатога йўл қўймаддан дарвозаси дахлсизлигини сақлаб қолди. 67-дақиқада Ривалдо берган кучли зарбани Кан қўлидан чиқариб юборди ва бу ерда ҳозир нозир бўлган Роналдо кулай имкониятни бой бермай хисобни очди. 79-дақиқада Роналдонинг ўзи йигирма метрлар чамаси масофадан аниқ зарба билан Канны иккинчи бор доғда қолдириб финал бахсига нукта қўйди — 2:0.

Шундай қилиб, чемпионатнинг энг кучли жамоаси дея эътироф этилаётган таркибида Кафу, Роберто Карлос, Роналдо, Ривалдо, Роналдиньо каби юлдузлари бор. Бразилия терма жамоаси ҳақли равишда бешинчи бор жаҳон чемпионлигига эришти. Фолибларга олтин медаллар ва ФИФА Кубогини Халқаро футбол федерациясининг президенти Зен Блаттер, футболни қироли Пеле топширди. 7 ўйнади 8 та тўп киритган Роналдо эса ҳам энг сермахсул ҳужумчи, ҳам чемпионатнинг энг яхши ўйинчиси номига сазовор бўлди.

(Ўз мухбиримиз)

Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисидаги Қонун қабул қилинганига 10 йил тўлди

